

Лингвопоэтик тадқиқотларнинг асосий тамойил ва йўналишлари

З.Ш.Ашурова

СамИСИ «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада лингвопоэтик тадқиқотларнинг асосий тамойил ва йўналишлари шунингдек, матн таркибида бадиий компонентларни тилшунослик нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: сўз, ибора, тасвирий ифода, илм-фан, бадиий компонент, лингвопоэтик тадқиқотлар, функционал услублар, қиёсий-типологик ёндашув, шеърий матн, стилистик формулалар.

Маълумки, ҳар қандай тадқиқотнинг ўзига хос таҳлил қилиш принциплари ва йўналишлар мавжуд бўлади. Бу эса соҳага оид мавжуд муаммоларнинг тизимли ма мантиқий барқарорликда ҳал қилинишига кенг йўл очади. Натижада тадқиқотчи олдида турган масала ўз вақтида осонликча ечимини топишга замин ҳозирлайди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, илм-фанда талқин ва тадқиқ қилиш назарияси ҳаминча бир-бирига ўтиб турувчи ва бир-бирини тўлдирувчи моҳият касб эта боради. Лингвопоэтик тадқиқотларнинг асосий тамойили матн таркибидаги бадиий компонентларни тилшунослик нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш негизида шоир ёки ёзувчи дунёқарашидан ўсиб чиққан поэтик ғоя табиатини сўз ва ибора, сўз ва мақол, сўз ва метафора, сўз ва матал, сўз ва тасвирий ифодалар, тазодлар, шеърий санъатларнинг баркамоллигини таъминловчи асосий функциясини жиддий текширишдан иборат. Масалан бетакрор шоир А.Обиджон ижодида шеърий мисраларда келтирилган лексик бирликлар негизида фалсафий-мушоҳада залвори жуда кенг қамровлиликни ташкил қилади. Ўқигувчи уни бир қарашда ҳиссий англай олмайди. Натижада барча машғулоти англаш ва англашиш ўқигувчи зиммасига тушади. Бу эса, ўз навбатида, ижодкор поэтик

оламидаги узил-кесил ўзгаришларни аниқлашда муайян масалаларни ҳал қилишни тақозо қилади.

Жаҳон ва рус тилшунослигида лингвопоэтик тадқиқотларни талқин қилишда иккита муҳим жиҳатни алоҳида эътироф этиш лозим:

1) Лингвопоэтик тадқиқотларнинг психолингвистика билан боғлиқ ҳолда кашф этилиши ва ундаги етакчи омилларнинг матн табиатида зоҳир бўлган белгилар йиғиндиси;

2) Матн даражаланиши натижасида образлиликни аниқлаш ва тил бирликларининг функционал қирраларини маромида ҳал қилишни тақозолайди.

Шу боисдан ҳам, тилнинг моддийлашган кўриниши ёзувчи дунёқарашида қайта ишланган поэтик шакли негизида қандай маъно мужассамлигини ҳал қилишни биринчи планга чиқаради. Бадий матннинг образли табиатини кўриб чиқишда диахроник планда яқинлашиш орқали лингвистик қирраларини аслида адабий-танқидий кўриб чиқиш муҳим. Айниқса, болалар учун ёзилган асарларда образлилик, рамзий иборалар матн шакл ва мазмунида устуворлик қилади. Турк шоири М.Рухи шеърларида фақат таълим-тарбия беришни мақсад қилиб қўймаган шоир болаларча тил яратишга ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам унинг шеърларида эртакча ифода услуби биринчи ўринда туради. Унинг деярли барча шеърларида рамзий иборалар юкланади¹.Замонавий ўзбек болалар адабиёти вакиллариО.Дамин ва Д.Ражаб поэтик изланишларида А.Обиджонга қараганда бир мунча эркин ҳаракат қилиш, сўз ва матн табиатида кўп қирралилик кузатилади. Мана шу учта ижодкорни уч хил йўсинда таҳлил қилиш лингвопоэтик талқин усуллариининг ўзига хослигини келтириб чиқаради.

“Адабий ва лингвистик ёндашувларнинг ўзига хослиги шундаки, унда лингвопоэтик ёндашувга кенг йўл очишга замин ҳозирлайди. Лингвопоэтик талқин қилиш амалиёти илк бор шеърятда синаб кўрилган бўлиб,

¹BeyhanKanter. BolalarvaMustafoRuhishe'rlaritadqiqoti. Firatuniversiteti., 2014

кейинчалик насрий асарлар тимсолида кенгайиб борган. Антик тахлил усуллари қоришиғида лингвопоэтика қиёсий-типологик ёндашувларни юзага келтирган, натижада бу талқин методологияси муваффақиятли амалга оширилган. Сўнгги пайтларда бадий матнни тадқиқ қилишда қўлланилган лингвопоэтик тахлил усули бошқа функционал услублар таркибида қўлланилади”², - ёзади рус тилшунос олими. Дарҳақиқат, мазкур манбадан билиш мумкинки, лингвопоэтик талқин методологияси лик бор шеърий матн таркибида тартибланиб, тахлил ранг-баранглашувига катта замин ҳозирлаганлиги, унда матн поэтик (кечинма, туйғу, образ) яхлитлиги назарда тутилмоқда. Айниқса, шеърий матн таркибида ҳар қандай лексема (бирликлар) муайян вақтда содир бўлган вазият ва сабаб тушунчаларни ифодалайди. Масалан: баҳор – ҳаётнинг жонланиши; куз – ҳаётнинг қариши; киш – осайишта ором; ёз – дам олиш маскани сингари турли фегментларни ташувчи метафорик, синтактик, стилистик қирраларни аниқлашда қўл келади. Натижада талқин ва тасвир ўзига хослигини аниқлаш жуда осон кечади. Лингвопоэтик талқин методологияси ва йўналишларида тилнинг барча соҳалари қоришиқ ҳолда қўлланилади. Булар фоно-график, лексик-фразеологик, морфологик-синтактик ва ифода усуллари дир. Бадий нутқ ва оғзаки нутқ элементларини комплекс тахлил қилиш орқали муаллифнинг ижодий нияти қай тариқа амалга ошишини аниқлаш мумкин.

Стилистик формулалар. Бадий матн таркибида стилистик формулалар ҳар бир ижодкор изланишларида турли-туман шаклларда намоён бўлади. Негаки, бадий матн структурасида – сўз ва образлилик маълум маъновий майдон семаларни юзага чиқариш билан биргаликда поэтик сатҳ тадрижий имкониятларини рангинлашувига хизмат қилади. Натижада, матн ҳиссий-эмоционал бўёқдорликни кучайтириб, ижодкор феонменини бир мунча кенгайишига замин ҳозирлайди. Жумладан, шеърий матн таркибида

2

Козеняшева Л.М. Лингвопоэтические средства создания образа слуги в английской литературе XIX - XX веков. Автореф кандидат.фил.наук. –Самара. 2006. –С. 8.

стилистик фигуралар (бундан кейин: СФ) атамаси ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон тилшунослигида таниқли бўлган “формулавий услуб” назарияси кўз ўнгимизда гавдаланади. Мазкур услуб назариясининг асосчиларидан бири Мильман Пэрри ва Альберт Лорд ҳисобланади. Уларнинг бу борадаги айрим фикрлари диққатга сазовордир³. Олимнинг қайд этишича: “Мен формула намунасида тузиладиган шеър ёки ярим мисра, ярим шеърни (полустиише) формулавий ифода деб атаман. Қўшиқда такрорланувчи эпизодлар ва баёнлар мавзулар деб аталади... Ҳар бир ижро мустақил қўшиқдир. Бахши (сказитель) – бу анъананинг ўзи ва айни пайтда индивидуаллик, муаллифдир. У анъана доирасида ижод қиладиган санъаткорлар сирасига киради”⁴. Ўзбек тилшунослигида халқ достонларида стилистик формулалар бўйича монографик тадқиқот яратилган,⁵ истеъдодли ёзувчи ва шоир Анвар Обиджон ижодида СФлар талқин теранлашувига йўл очса, ундаги маъновий қатлам матн позициясини юзага чиқишга етаклайди:

Ғор ичида
Оч-наҳор
Бармоқларин сўришиб,
Ўлтиришар Бўрилар
Телевизор кўришиб.
Пайдо бўлгач экранда
Ўрлаб юрган кўй-кўзи,
Бирдан
Ҳамма йиртқичнинг
Ўйнаб кетди оч кўзи⁶.

Кўринадикки, ҳозирги ўзбек адабий тилида учрайдиган СФлар талқин теранлашувига хизмат қилибгина қолмай, лингвистик, тасвирий ифодалар (сўз, образ, тил) имкониятларининг барқарорлашувига жиддий таъсир

³Лорд А.Б. Сказитель. – Москва. Восточная литература РАН: 1994. – стр. 14-15.

⁴Лорд А.Б. Сказитель. – Москва. Восточная литература РАН: 1994. – стр. 14-15.

⁵Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ достонларида стилистик формулалар. НДА.-Тошкент, 2007, . –Б. 27

⁶Обиджон А. Кичкинтойлар қувончи. –Т., Ўзбекистон. 2019. –Б.131.

кўрсатади. Шу боис, шоир ижодида бўри, ҳайвонот, табиат, ҳамда объектив тарзда умумлаштирилганда – жониворлар ҳаёти узил-кесил талқин материалига айланади.

Муайян шеъринг парчадаги қўлланилувчи СФлар шоир поэтик маҳоратининг юзага чиқишига алоҳида тўртки беради. СФда, баъзи бир анъанавий сўз ёки сўз бирикмаси, такрорлар формуласи мавжудлиги СФнинг шакл ва тузилиши жиҳатидан поэтик яхлитликни таъминлашга хизмат қилади:

Шеърнинг хотимасида шоир наздидаги олам ва жониворлар аҳвол-руҳияси янада жонлилик касб этиб, поэтик тугалликка қараб эврилади:

Тиш

Қайрашиб

Сўнг улар

Ур-йиқитни бошлашиди.

Телевизор шўрликни

Паққос ғажиб ташлашди⁷.

СФларнинг аксарияти шоир ижодида муайян воқелик рўй беришига кенг йўл очишга хизмат қилса, баъзи ўринларда бола тасаввурини кенгайтиришга қаратилганлиги билан ажиб бир дидактик мақсадга айланади. Мазкур шеърда сўз формулаларнинг стилистик хусусиятлари кўпроқ инкишоф қилинганки, натижада ҳар бир сегмент таркибида маъно товланиши пайдо бўлган. Бўриларнинг очликдан тинкалари қуриши, шеър ибтидосида зоҳир бўлса, телевизорда кўринган қўй-қўзиларни еб бўлмасликлари интиҳосида ўз якунига етади. Чунончи шоир бу ўринда нима демоқчи: бола тасаввури юксалишига қаратилган дидактик кординаталар иллюзияси матн эмоционал руҳиятини бир қадар заифлашиб қолишидан асраб қолган. Демак, СФлар бу талқинда ўз мақсадини тўлақонли намоён қилиб улгурган. Булар – бўриларнинг мақсади – озор бериш, ўлжани осонлик билан қўлга киритиш, бола руҳиятида ёвузликдан йироқ бўлишга умид уйғотиш, ҳамиша катталарнинг айтганига

⁷Кўрсатилган адабиёт, - Б.131.

кулоқ солиш каби эстетик тушунчалар залвори СФларни қатъий чегараларда юзага чиқишга имкон туғдирган.

“Қаҳратонда”, “Кекса арининг армони”, “Ўрмонда зиёфат”, “Синфдошлар” каби шеърларида метафорик СБлар муайян танлов қаршисида қолган ҳайвонлар галериясини моҳирлик билан чизишга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Достон поэтикасида лингвопоэтик имкониятлар хусусида тадқиқот олиб борган олима Г.Жуманазарова шундай ёзади: “Лингвопоэтиканинг муайян масалалари билан шуғулланган тадқиқотчилар томонидан тил бирликлари сифатида тасвирий воситаларга хос лингвистик ва лингвофольклористик мазмун-моҳиятини тўлалигича ўзида қамраб олган *стилистик формула* атамасини қўллаган. Бунинг муайян сабаблари бор, албатта. Фикримизча, *биринчидан*, бу атама ХОПИнинг эпик жанрига тегишли эканлигини, анъанавий бадихағўйликда яратиладиган халқ достонлари матнларида муайян *услубий ва бадиий-эстетик вазифаларни* бажарганлигини *услуб* сўзи, турғун ибора ва унинг моделининг умумий номи эканлигини *формула* сўзи ўз зиммасига олади”⁸. СФлар аксарят ҳолларда шеърӣй матн структурасида ҳам образлиликни кучайтирса, ҳам дидактик тавсиф эгзистенциясини барқарорлаштиради. Шу тариқа шеър СФлар мотивациясида ўзаро яхлитлик касб этади. Бу ҳолатни “Ўрмонда зиёфат” шеъри тимсолида текшириб кўрамиз:

Шер ошхона очибди
Ўрмонда бугун,
Ёввойи ва хонаки
Ҳайвонлар учун.
Пишар турли таомлар
Қозонда “жаз-жаз”.
Бўривой – ўт қаловчи,
Қуён бош ошпаз⁹.

⁸Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навобий номидаги Миллий кутубхона. –Б.126.

⁹Кўрсатилган адабиёт, -Б.130.

Ушбу шеърда юқорида таъкидлаганимиздек, СФлар шер ва бўри, куён тимсолида янада тиниқроқ жилваланади. А.Обиджоннинг жуда кўпчилик шеърларида СФлар биринчидан, поэтик матн таркибини умумлаштиришга хизмат қилса, иккинчидан шоир дунқарашининг ташувчиси сифатида гавдаланади. Бола тасаввурида бўри ва шер образлари йиртқич бир жонзот сифатида гавдаланиши, унинг оқибатида ҳар қандай вазиятда табиат инъомлари билан сирлашувчи, уларнинг тилини тушунишга ҳаракат қилувчи даъват сифатида янграйди.

СФларнинг аксарият қисмида матн таркиблануви барқарор бирикмалар намоишини юзага чиқарса, айрим ҳолларда инсон ва табиат муносабатларини ўзаро бир бутунликда очиқ беришга қаратилганлиги билан таҳсинга сазовордир.

Матншунос олим М.Йўлдошев алоҳида таъкидлашича: “Тил ва ёзувчи ўртасидаги муносабатни шахмат ва шахматчи ўртасидаги муносабатга қиёслаш мумкин. Шахматда ҳар бир донанинг мавқеи, даражаси, шахмат тахтаси устидаги ҳаракатланиш қоидалари аввалдан белгиланган. Ана шу қоидаларни тугал эгаллаш оқибатида юзага келган юксак маҳорати туфайли шахматчи тамоман янги, кутилмаган юришлар қилади, бетакрор комбинациялар яратадики, бу унга рақибини мағлуб ва мухлисини мафтун қилиш имконини беради. Тилда ҳам ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукамал бохабар бўлган, бадиий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетакрор тасвир, кутилмаган, оҳорли бадиий лавҳалар, сўз чақинларини пайдо қила оладикки, китобхон адибнинг нафақат ғояси, балки гўзал тилининг асирига айланади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга фавқулодда мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадиий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда уларга юкланган хилма-хил бадиий-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди”¹⁰. Бинобарин, тилда акс эттирилган ҳар бир деталь

¹⁰Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т, “Фан”. 2006. –Б.31.

А.Обиджон ижодий дунёсининг ниҳоятда кенг ва ёрқин рангларда жилва тпишидан далолат беради. Бир карашда жуда соддадек туюлган СФлар аслида ўта теран маъновий қатламлардан таркиб топганлигини ҳис қилиш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, матнга ҳар томонлама ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, матн стилистик, семантик, прагматик хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. “Поэтик матн орқали бериладиган информацияни икки хил категорияга бўлиш мумкин: бири мазмунга таллуқли ахборот, бунда мазмунга доир воқеалар берилади, иккинчиси эстетик ахборот бўлиб, бунда мураккаб информაციон мажмуалар иштирок этади”¹¹. Мазкур ифодада шоир ижодида бўй кўрстган СФларнинг лингвопоэтик хусусиятлари акс этиши эътиборга лойиқдир. Негаки, шоир наздида дунёқараш ва миллий рух, мавзу ва ғоя, ифода ва ўзига хослик узвий чамбарчас боғлиқдир.

Умуман, шоир ким ва нима ҳақида ёзмасин, матн таркибида тартибли СФлар ўз маромида қўлланилади. Айниқса, “Ўрмонда зиёфат” туркумига кирувчи аксарият шеърларида СФлар лексик-семинтик жиҳатдан кенг адабий ҳодиса сифатида тўлақонли майдон семаларини ёдимизга солади. Атайин бўрттириш, муболағани кучайтириш. Ўқувчи наздида олам ва одам муносабатларига қизиқиш уйғотиш, ҳиссий-эмоционалликни кучайтириш, дидактик талқин барқарорлашувига етаклаш сингари қатор бирликлар тарзида юзага чиқади.

¹¹Султанова Д., Ҳалимова Ф. Шеър ва таржима. – Самарқанд: СамДЧТИ. 2009. –Б.51.

